

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 27 июнь, Чоршанба

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 122 (10.931)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

## Бугун – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

### Кечка сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Гиевандликка қарши курашамиз» мавзuida Тасвирий санъат студиясининг расмлар кургасмаси намойиш этилди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 26-оилавий поликлиникада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг Тошкент шаҳар ҳамда Юнусобод туман вакиллиги, туман солиқ инспекцияси, акциядорлик тижорат «Ипотека» банкнинг туман бўлими, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамкорликларида уюштирилган тадбирда шифокорлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театрида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб ўтказилган йилгилик ва катта байрам концерти давомида бир гуруҳ журналистларга совғалар тўхфа этилди.

● **БУГУН** Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлимида уюштирилган тадбир 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланди.


● **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Республика нодавлат нотариот жамоат ташкилотлари ассоциацияси ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати «Нодавлат нотариот жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий асослари» деб номланди.

● **КЕЧА** Фахур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Биз – гиевандликка қаршимиз» мавзuida уюштирилган тадбирда шаҳримизнинг фаол ёшлари иштирок этишди.

● **КЕЧА** 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан «ЭКОСАН» халқаро ташкилотиди ўтказилган тадбир «Атроф-муҳит ва инсон саломатлигини асраш, экологик барқарорликни таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРЧА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ЎЗЛАРИНИНГ КАСБ БАЙРАМЛАРИНИ КЎТАРИНКИ РУҲ, ОММА ЭЪТИБОРИГА ЯНГИЛИК УЛАШИШДЕК ОЛИЖАНОБ ИСТАК-ХОҲИШЛАР ҚАНОТИДА КУТИБ ОЛМОҚДАЛАР. БИНОБАРИН, ИЖТИМОЙ-МАИШИЙ ҲАЁТИМИЗДАГИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР, БАРЧА-БАРЧА ЖАБҲАЛАРДАГИ ЮКСАЛИШЛАРНИ ХОЛИС ЎРГАНИШ ВА УНИ ХАЛҚ МИНБАРИГА АЙЛАНИБ УЛГУРГАН ОАВ ЁРИТИШ ҲАМКАСБЛАРИМИЗДАН ЧЎҚУР БИЛИМ, УЛКАН МАЛАКА, ТАЖРИБА, САЛОҲИЯТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ.**



## ЖУРНАДИСТЛАРНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ

Ана шундай заҳматли, лекин шарафли ишда босма нашрлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган техник ходимлар хизматини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик.

Айтиш мумкинки, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясини ҳузуридаги газеталар мажмуасининг бу борада ўзига хос хисоса бор. Бугунги кунда газеталар мажмуасида 80 та босма нашр чоп этилади. Уларнинг 14 таси эса рангли нашрлар ҳисобланади.

— Истиклол йилларида мамлакатимизда ноширлик, жумладан, газеталарни сифатли чоп этиш борасида муайян тажрибалар тўпланди, — дейди газеталар мажмуаси бошлиғи Ҳабибулло Турсунов биз билан суҳбатда. — Иш жараёнидаги изланишлар, тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда рангли газеталарга эҳтиёж кучаймоқда. Ана шуни

инобатга олган ҳолда яқинда мажмуамизда Хиндистонда ишлаб чиқарилган, 4 хил рангда чоп қила олиш имконига эга бўлган техник қурилма фаолият кўрсата бошлайди.

Дарҳақиқат, замонавий технологияларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси цехларида бир кунда 25 хил, бир ҳафтада эса 1 миллион 200 минг нусха босма нашрни чоп этиш имконига эга бўлинди.

Газеталарни чоп этиш цехини айланар эканмиз, ходимлар кўзидидаги байрамона кайфиятни, техник қурилмаларнинг бадастир ишлаётганлигини ҳис этдик. Агар таъбир жоиз бўлса, газеталарни чоп этиш цехи ўзига хос тажриба мактаби ҳамдир. Айниқса, Иброҳим Эргашев сингари устолик даражасига эга ходимлар қатори Даврон Қўлдошев,

Шеродил Саидов каби заҳматкаш, фидойи ходимларнинг борлиги иш сифатининг ортшига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Мажмуанинг яна бир қон томири бу — газеталарни тарқатиш цехи ҳисобланади. Бу ерда меҳнат қилаётган ходимлар зиммасида кундалик газеталарни муштарийлар қўлига етказишдек масъулиятли вазифа туради. Шу боис ҳам ходимлар кечани кеча, кундузни кундуз демай самарали фаолият кўришмоқдалар. Энг муҳими, улар ҳар доимгидек, ўз касб байрамларини иш жойида, муштарийларга зиё улашидек шарафли вазифани амалга оширган ҳолда кутиб олмақдалар.

**Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА:** газеталар мажмуаси фаолиятдан лавҳалар. **Наталья Семёнова олган суратлар**

## МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН АФҒОНИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВА СУВ РЕСУРСЛАРИ ВАЗИРИ МУҲАММАД ИСМОИЛХОН РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ 26 ИЮНЬ КУНИ «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ РАИСИ БОТИР ТЕШАБОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

### АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўлаб соҳаларда, жумладан, энергетика соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Афғонистон давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Меҳмон Ўзбекистон Афғонистондаги тикланиш ишларида энг фаол қатнашган давлатлардан бири эканлигини қайд этди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўлаб соҳаларда, жумладан, энергетика соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Афғонистон давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Меҳмон Ўзбекистон Афғонистондаги тикланиш ишларида энг фаол қатнашган давлатлардан бири эканлигини қайд этди.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясидаги мулоқот чоғида бу борадаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, икки томон учун фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларига доир масалалар муҳокама қилинди. **Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири**

## АКАДЕМИЯДАГИ УЧРАШУВ

**ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИ – КОИСА ВАКИЛЛАРИНИНГ МАЗКУР АКАДЕМИЯ УЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТИНГЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ.Назаров бошқарган учрашувда мамлакатимиз билан Корея Республикаси ўрта-

сидаги ўзаро ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланган эди. Айни пайтда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик стратегик шериклик тамойилларига мос равишда изчил мустақамланиб бормоқда. Давлат ва жамият қурилиши

академияси 1997 йилдан буён КОИСА билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Жанубий Кореянинг етакчи олимлари мазкур академия тингловчилари ҳузурда турли фанлар бўйича маърузалар ўқийди. Академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчиларининг Корея Республикасида малака ошириши ҳам йўлга қўйилган.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига компьютерлар тақдим этилди. Учрашувда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кёнг Джэ Мин иштирок этди.

**Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири**

## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ УНИНЧИ ЯППИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи яппи мажлиси 2007 йил 29 июнь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

### ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 28 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинди.

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил қилинган Олий ҳарбий божхона институтида илк битирувчиларга дипломлар топширилди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Германия Федератив Республикасининг «Фриеденсдорф Интернейшнл» халқаро хайрия ташкилоти раҳбари Рональд Гегенфуртнер бошчилигидаги делегация аъзолари Сурхондарё вилоятида ногирон ва бемор болаларни тиббий кўриқдан ўтказди.

● Кеча Тошкентда ноқонуний наркотрафикка қарши кураш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Янгийўл шаҳридаги марказий стадионда уч минг нафардан зиёд йигит-қизлар иштирокида «Ёшлар—гиевандликка қарши» широри остида Тошкент вилояти ёшларининг фестивали бўлиб ўтди.

● Фарғона шаҳридаги «Автоойна» очик акционерлик жамиятида янги маҳсулот — «Матиз» автомашинаси учун ойналар тайёрлаш йўлга қўйилди.

● Қарши шаҳридаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Биз — бир жамоамиз» мавзuida ёшлар акцияси ўтказилди. Акция доирасида Қарши шаҳридаги бир қатор ўқув муассасаларида олти йўналиш бўйича тадбирлар ташкил этилди.

● «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли умумий овқатланиш корхонасида комбинат ташаббуси билан беш турдаги яхна ичимликлар ишлаб чиқарувчи линия ишга туширилди.

● Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги опера ва балет давлат академик Катта театрида Бошқирдистон, Татаристон ва Ўзбекистон санъат усталари иштирокида маданият фестивали бўлиб ўтди.

● 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари дам олаётган Зомин туманидаги «Лочин» оромгоҳида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган хайрия тадбири ўтказилди. Халқаро хайрия жамғармаси томонидан тарқатилган 1 миллион сўмлик яқин спорт анжомлари, ширинликлар, тиббиёт санитария-гигиена воситалари тарбияланувчи ва мураббийларни хушнуд этди.

● Куйичирчик туманидаги «Истиклол» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидида жойлашган Нурбой ота қишлоғидаги ўқувчилар навбатдаги ўқув йилини янги мактабда бошлайдилар. Бу ерда ҳозирда 320 ўринли янги замонавий мактаб бунёд этилмоқда. Янги мактабда жиҳозланган ўқув хоналари, Маънавият ва маърифат хонаси, спорт майдончалари ўрин олади.

● Фарғона вилояти, Учкўприк туманидаги Тошкентлигузар қишлоғида минг йиллик тарихга эга булоқ топилди. Мутахассислар булоқ суви таркибида 20га яқин фойдали микроэлементларни топдилар. Шифобахш булоқ суви ошқозон-ичак йўлидаги хасталикларга шифо беради, овқат ҳазм бўлиш жараёнини яхшилайди.

### ЖАҲОНДА

● Истамбулда Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотига аъзо мамлакат раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Йилгиликда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича декларация қабул қилинди.

● Мақоннинг «Дельта Эйша» банкидаги ҳаракатдан тўхтатилган маблағларини қабул қилиб олган расмий Пхеньян февраль ойида 6 томонлама музокаралар чоғида эришилган келишув шартларини бажаришга қиришини ва ядро объектлари ишини тўхтатиш бўйича МАГАТЭ делегацияси билан музокараларни бошлашини билдирди.

● АҚШ Марказий Разведка бошқармаси «совуқ уруш» пайтидаги—ўтган асрнинг 70-йилларидаги махфий ҳужжатларнинг минг бетлик катта бир қисмини ошкор этишини билдирди. Ушбу ҳужжатларда собиқ иттифоқ ва Хитой давлатлари раҳбарлари устидан қузатув олиб борилгани ва бошқа масалалар ўз аксини топди.

● Буюк Британияда тинимсиз ёмғир ёғиши туфайли кучли сув тошқини рўй берди. Шунингдек, Фарбий ва Жанубий Йоркшир, Бетфордшир ва Шропшир шаҳарларида тўрт марта торнадо юз бериб, кучли тўфон уч кишининг ҳаётига зомин бўлди.

● Ленинград вилоятининг Озерки посёлкаси яқинида АС-335 вертолети сувга кулаб тушди. Дастлабки таҳминларга қараганда, унинг фалокатга учрашида учувчининг хатоси сабаб бўлган. Ҳозирда авиачалокат жойида текширув-қидирув ишлари олиб бориляпти.

● Россиянинг Воркута шаҳридаги «Комсомольск» кўмир қонида рўй берган портлаш курбонларининг сони 8 кишига етди. Яна икки нафар бедарак йўқолган шахтёрни қидириш ишлари давом этмоқда.

● Европаниннг жанубий қисмида ҳукм сураётган жазирама иссиқ кўпгина ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, Руминия пойтахти Бухарестда ҳавонинг ҳарорати 45 даражага етган бўлса, Болгарияда 42 даражадаги иссиқлик қайд этилди. Кучли жазирамени кўтара олманган айрим кишилар юрак қон-томир хасталикларига йўлиқиб ҳаётдан кўз юммоқдалар.

● Хиндистонга кучли шамол, жала ва сув тошқинларини олиб келган муссон натижасида 130 киши ҳаётдан кўз юмди. Керала, Карнатака, Андхра-Прадеш ва Махараштра штатларида табиий офат оқибатида юз минглаб одамлар бошпанасиз қолди.



## ҚАДРЛИ МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ!




*Барчангизни қутлуғ айём —  
касб байрамингиз билан чин  
қалбдан табриклаймиз.*

*Ижодингизга ривож, оилангизга  
бахт-саодат тилаймиз.*

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ САВДО, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ  
СОҲАСИ ВА ХАЛҚ ИСТЕМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ЖАМОАСИ

## «1-АВТОБУС САРОЙИ»

акциядорлик жамияти жамоаси



*Матбуот ва оммавий  
ахборот воситалари  
ходимларини, барча  
журналистларни касб  
байрамлари билан чин  
дилдан қутлайди.*

*Шарафли ва масъулиятли  
касб соҳибларига ижодий  
зафарлар, сиҳат-  
саломатлик, оилавий  
бахт тилайди.*



## ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

*«Оқшом» газеталари жамоаси ҳамда  
шаҳримизнинг барча газета ва  
журналлари ходимларига узок йиллар  
давомида ҳамкорликда экологик  
тарғибот ишларини кенг оммага  
етказиш борасидаги ҳиссаси учун  
миннатдорчилик билдиради.  
Азиз журналистлар! Сизларни*

**Матбуот ва оммавий ахборот  
воситалари  
ходимлари кунини**

*байрами билан чин  
қалбдан табриклаймиз. Ижодий  
зафарлар, сиҳат-саломатлик, оилавий  
бахт барчангизга доимо ёр бўлсин!*

## «ОЛТИН МЕРОС»

ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИНИНГ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

*ЗАҲМАТКАШИ МАТБУОТ ВА  
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ  
ХОДИМЛАРИНИ КАСБ БАЙРАМЛАРИ  
БИЛАН САМИМИЙ  
МУБОРАҚБОД ЭТЛАДИ.*



*Сизларга тўхтақкам  
соғлиқ, ижодий  
баркамоллик,  
бахт ва омад ёр  
бўлсин. Ҳамиша  
теҳрангиздан  
табассум ариласин.*



## АЗИЗ ВА ҚАДРЛИ ШАҲРИМИЗ ЖУРНАЛИСТЛАРИ!

*Барчангизни касб  
байрамингиз —*

**МАТБУОТ  
ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ  
ВОСИТАЛАРИ  
ХОДИМЛАРИ  
КУНИ**  
*билан са.им.ини  
қутлаймиз.*

*Ўнадорингизда бахт-  
саодат, сиҳат-  
саломатлик зук.и сурсин,  
дилдаги энг эзу  
ти.как.кари.нгизнинг  
ижобат бў.лингизга  
ти.как.до.им.из.*



«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЎШИМАСИ ЖАМОАСИ

# АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ ЖАМОАСИ

*Матбуот ва оммавий ахборот воситалари  
ходимларини касб байрамлари билан чин  
кўнгилдан табриклайди. Ўтқир қалам соҳиблари  
бўлган ижодкорларга узоқ умр, бахт-саодат,  
қайноқ илҳом, хонадонларига тинчлик-  
фаровонлик, дастурхонларига  
файзу барака тилаймиз.  
Маданий ҳордиқ олиш учун боғимизга  
марҳамат қилинг.*




## ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЖАМОАСИ

халқимизни дунёдаги барча янгиликлардан  
бохабар этиб келаётган жонкуяр ижод аҳлини,  
барча журналистларни

### МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

байрами билан чин дилдан қутлайди.  
Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-омад,  
ижодингизга эса юксак парвозлар тилаймиз.  
Мароқли дам олиш истагида бўлсангиз, марҳамат,  
боғимиз хизматингизга мунтазир.



Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 31 июль куни соат 11.00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Чилонзор туман суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 24 майдаги 34/32-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, «JAMA TRANS SERVICE» МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар Сергели туманидаги «Сергели темирйўл станцияси»да сақланаётган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, 13-401 русумли куйидаги Темирйўл платформалари кўйилади.

Мулк номи	Бошланғич баҳоси (сўм)	Мулк номи	Бошланғич баҳоси (сўм)
Темирйўл платформа дав.рақ 54575063	8 499 486 с.бт.	Темирйўл платформа дав.рақ 54575113	8 499 486 с.бт.
Темирйўл платформа дав.рақ 54575071	8 499 486 с.бт.	Темирйўл платформа дав.рақ 54575105	8 499 486 с.бт.
Темирйўл платформа дав.рақ 54575139	8 499 486 с.бт.	Темирйўл платформа дав.рақ 54574975	8 499 486 с.бт.
Темирйўл платформа дав.рақ 54574942	8 499 486 с.бт.	Темирйўл платформа дав.рақ 54575121	8 499 486 с.бт.
Темирйўл платформа дав.рақ 54574959	8 499 486 с.бт.	Темирйўл платформа дав.рақ 54575030	8 499 486 с.бт.
Темирйўл платформа дав.рақ 54575162	8 499 486 с.бт.	Темирйўл платформа дав.рақ йўқ	4 683 050с.46т.
Темирйўл платформа дав.рақ 54575154	8 499 486 с.бт.	Темирйўл платформа дав.рақ йўқ	4 683 050с.46т.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва сана-сини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорини зақалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй, тел.138-69-94. Лицензия DB001 №000010

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

2007-2008 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида, 2007 йилнинг 2 июлидан 3 августгача Тошкент шаҳрида истеъмолчиларни иссиқ сув бўйича чекламаган ҳолда иссиқлик тармоқларининг механик чидамлилиikka ва зичлик (юқори босим)ка синовлари ўтказилади.

### 1-ИМ (М-1)

2 ва 23 июль кунлари — акад.Х.Абдуллаев, Раҳматуллин, Ж.Обидова, Ф.Хўжаев, Мўминов, Муҳитдинов кўчалари, Яланғоч, Бўз-1 турар жой мавзелари, ТошГРЭС кўргони.

### 1-ИМ (М-4)

2 ва 23 июль кунлари — Буюк Ипак йўли, акад.Х.Абдуллаев, Раҳматуллин, Доғистон, Сайрам, Ф.Хўжаев, Муҳитдинов кўчалари, Тошсельмаш, Чизельний, ген.Петров турар жой мавзелари.

### 2-ИМ

3 ва 19 июль кунлари — Т.Малик, Иркутская, Матқобулов, Ш.Бурҳонов, Қодиров кўчалари, Корасув-1,2,3,4,6, Хумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар кўргони.

### 3-ИМ

9 июль ва 3 август кунлари — Беруний, Ўзбекистон, Ниёзов, А.Хўжаев, Фурқат, ген.Узоқов, Самарқанд дарвоза кўчалари, Навоий, Абай, Халқлар Дўстлиги, Космонавтлар шоҳ кўчалари, Чорсу, Қоратош, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, Ц-10,14,11, Ц-26,27,28, Б-1, Б-2, Б-3 турар жой мавзелари.

### 4-ИМ (М-0)

10 ва 30 июль кунлари — А.Темур, Ҳ.Асомов, Иргашев, Г.Мавлонов, Муртазоев, Хуршид, Ж.Обидова, Оқкўрган, Бодомзор, Ҳ.Олимжон, Пушкин кўчалари, Пушкин-Салор, Пушкин-Пишпек, Ц-5,6 турар жой мавзелари, Ҳ.Олимжон майдони.

### 4-ИМ (М-1)

4 ва 30 июль кунлари — Ҳасанов, Ғ.Ғулом, Шамсутдинов, Бобожонов, Хуршид, А.Қодирий, А.Хидоятлов кўчалари, Ц-17,18 (Себор), Тахтапул, Ц-12,13,15, Қора-Қамиш-1/1, 1/2, 1/3, 1/4 мавзелари

### 4-ИМ (М-4,8)

12 июль ва 2 август кунлари — Юнусобод мавзеси 1 — 19-дахалар, А.Темур, Каймаков, А.Дониш, Муроодов, Юнусобод, Соҳибкор, Ж.Обидова, А.Зокиров, Шахристон кўчалари.

### 5-ИМ

5 ва 24 июль кунлари — Чилонзор мавзеси 5 — 12,Ц,Г9А,16 — 20А,26-дахалар, Домбробод, Оқтепа, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Гулистон мавзелари, Заргарлик, Муқимий, Фарҳод, Чўпонота, С.Мираҳмедов, Наққошлик, Новза-Қозиробод, Лутфий кўчалари.

### 6-ИМ

11 ва 31 июль кунлари — Мунис, У.Олимбеков, Бехтерев, Янги замон, А.Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлик-1 — 7, Қўйлик айланма йўли мавзелари.

### 7-ИМ

9 июль ва 2 август кунлари — Лисунов, Шолохов, Бирлашган, Элбек, Слоним, Курувчилар кўчалари, «Ғалабининг 40 йиллиги»-1,2,3,4, ДСК-1, Слоним-1,2-мавзелари, «Авиакорувчилар» шаҳарчаси худуди.

### 8-ИМ

2 ва 17 июль кунлари — Сергели-1 — 8А, Спутник-8,15,16,17, Дўстлик-1,2-мавзелари.

### 9-ИМ

11 июль ва 1 август кунлари — Чилонзор мавзеси 13-15, 15А, 21дан 24,30,31гача бўлган даҳалар, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий-2, Гулистон, Бешқайрағоч мавзелари, Ҳ. Турсунқулов, Раҳимбобоев, Ширин, Лутфий кўчалари.

### 10-ИМ

12 ва 26 июль кунлари — Форобий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси, Чимбой, Жарарик, Қора-Қамиш-2/2,2/3,2/4,2/5, Тансиқбоев-1,2,3, ТошДУ-ТошТУ, Олимпия, Ибн Сино- 1,2, Белтепа турар жой мавзелари.

### ИЭМ (М-0)

3 ва 27 июль кунлари — Бобур, У.Носир, С.Мираҳмедов, Арнасой, Ш.Исломов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Ц-7, Чилонзор-1,2,3,4,5, Е,И мавзелари, Рашидов шоҳ кўчаси.

### ИЭМ (М-5,8)

6 ва 25 июль кунлари — Бобур, Глинка, Афросиёб, А.Темур, Нукус, Мовароуннахр, Лохутий, Т.Шевченко, Шаҳрисабз, Я.Ғуломов, С.Толипов, Ҳ.Умаров кўчалари, Ц-1,2,4,5, Қушбеги, Бошлик, Авиашаҳарча мавзелари.

### «Водник» қозонхонаси

4 ва 20 июль кунлари — «Водник» мавзеси, Ҳ.Бойқаро кўчаси.

### «ТТЗ» қозонхонаси

5 ва 24 июль кунлари — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий мавзелари, Аҳиллик, Гулсанам, Белоножко, Буюк Ипак йўли кўчалари.

«Саноатэнерго» қозонхонасининг таъсир доирасида 13 июль куни иссиқ сув таъминоти бўлмайд.

### «Саноатэнерго» қозонхонаси

13 июль куни — «Строитель» турар жой мавзеси

Қувурлар шикастланиши, кўчанинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлакларига иссиқ сув сачраши ва тошиши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалардан эҳтиёт бўлишларини сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезишингиз билан 361-32-32 телефонига хабар беришингизни сўраймиз.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМИЛИГИ

Буюртма Г- 506

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

### ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,  
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босялади.  
2875 нуссада босялди.  
Қоғоз бичими А-2

Нашрига етказиб бериш масалалари бўйича турар  
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент  
почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат  
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6